

“Ўзбектелеком” АК
Акциядорларининг навбатдан
ташқари умумий йиғилишининг
2021 йил 26 марта
52 - сон баёнига
4.1-сон илова

**“Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси
акциядорларининг умумий йиғилиши ҳақида
НИЗОМ
(янги таҳрирда)**

2021 й.

Мундарижа

| | |
|--|-------|
| 1. Умумий қоидалар..... | 3 |
| 2. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатлари..... | 4-5 |
| 3. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуки. Акциядорлар ва уларнинг ваколатли вакилларини рўйхатга олиш.... | 6-7 |
| 4. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўриш..... | 7-10 |
| 5. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказишга тайёргарлик кўриш..... | 10 |
| 6. Умумий йиғилиш кворуми..... | 11 |
| 7. Умумий йиғилиш ишчи органлари..... | 12 |
| 8. Умумий йиғилишни ўтказиш тартиби..... | 13-14 |
| 9. Умумий йиғилиши баённомаси..... | 14 |
| 10. Умумий йиғилиш қарорини бажариш..... | 15 |
| 11. Якуний қоидалар..... | 15 |

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1 “Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси акциядорларининг умумий йиғилиши ҳақидаги низом (кейинги ўринларда – Низом деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳукуқларини ҳимоя қилиш түғрисида” Қонуни, “Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг (кейинги ўринларда – Компания деб юритилади) Устави, Акциядорлик жамиятлари фаолияти самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича комиссияси томонидан тасдиқланган Корпоратив бошқарув кодекси (31.12.2015 й., 9-сон баёни) ҳамда давлат иштирокидаги корхоналар учун корпоратив бошқарув қоидалари (11.02.2016 й., 02-02/1-187-сон ва 27.04.2018 й., 24/1-989-сон баённомалари) талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1.2 Мазкур Низом Компания акциядорларининг умумий йиғилиши мақомини, унинг ишини, йиғилиш ўтказиш ва қарор қабул қилиш тартибини белгилайди.

1.3 Компания ҳар йили акциядорларнинг умумий йиғилишини (акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини) ўтказиши шарт.

1.4 Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши Компания Уставида белгиланган муддатларда, аммо молия йили тугаганидан кейин **олти ойдан** кечиктирмай ўтказилади. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида Компаниянинг Кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясини сайлаш, Компания ягона ижроия органи - бош директори билан тузилган меҳнат шартномаси муддатини узайтириш, қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги ҳақидаги, Компаниянинг йиллик ҳисоботи ҳамда қонун хужжатларида назарда тутилган бошқа хужжатлар кўриб чиқилади.

1.5 Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлар ҳисобланади.

1.6 Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси ва тартиби, йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш тартиби, акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик вактида акциядорларга бериладиган материалларнинг (ахборотнинг) рўйхати Компания Кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

2. АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИННИГ ВАКОЛАТЛАРИ

2.1 Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига куйидагилар киради:

- Компания Уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки янги таҳрирда Уставини тасдиқлаш;
- Компанияни қайта ташкил этиш (қайта ташкил этиш шакли қонун хужжатлари билан белгиланади);
- Компанияни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссияси) тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

- Компания Кузатув кенгашининг ва миноритар акциядорлар қўмитасининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;
- Компания устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш ёки камайтириш;
- ўз акцияларини олиш;
- Компаниянинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш) ва раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- Компания тафтиш комиссиясининг аъзоларини (тафтишчисини) сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, тафтиш комиссиясига тўланадиган ҳақлар ва (ёки) компенсациялар, шунингдек уларнинг чекланган миқдорларини белгилаш ҳамда тафтиш комиссияси (тафтишчи) тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;
- Компаниянинг йиллик ҳисботини ва йиллик бизнес-режасини, шунингдек Компания фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиқсан ҳолда Компанияни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;
- Компаниянинг фойдаси ва заарларини тақсимлаш;
- Компания Кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан Компанияни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Компания Кузатув кенгашининг ҳисботларини ва тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) хulosаларини эшлиши;
- Компания томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- Компаниянинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
 - имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик тўғрисида қарор қабул қилиш;
 - акцияларнинг жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) баҳосини аниқлаш;
 - акциядорлар умумий йигилиши регламентини тасдиқлаш;
 - акцияларни майдалаш ва йириклиштириш;
- Компаниянинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларни, устама ва рағбатлантириш тартибини, шунингдек уларнинг энг юқори миқдорларини белгилаш;

- мажбурий аудиторлик текшируванин үтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

- Компаниянинг Кузатув кенгаши аъзоларига қонун хужжатларига мувофиқ улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун ҳақ тўлаш ва Кузатув кенгашининг аъзоси вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатларининг ўрнини қоплаш тартибини ҳамда уларнинг чекланган миқдорларини белгилаш;

- қонун хужжатларига мувофиқ акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига кирадиган Компания томонидан йирик битимлар тузиш, шу жумладан, аффилланган шахс билан битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- Акциядорлик жамиятлари фаолияти самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарувни такомиллаштириш бўйича комиссия томонидан тасдиқланган корпоратив бошқарув кодексининг тавсияларига амал қилиш мажбуриятини қабул қилиш тўғрисида қарор;

- Компания томонидан хайрия (ҳомийлик) ёки бепул ёрдам кўрсатиш чегараларини белгилаш;

- қонун хужжатларига ва Компания Уставига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал қилиш.

2.2 Овозга қўйилган масала бўйича акциядорлар умумий йиғилишининг қарори, агар қонун хужжатлари ва мазкур Низомда бошқача қоида белгиланмаган бўлса, Компаниянинг овоз берувчи акциялари эгалари бўлган, йиғилишда иштирок этастган акциядорларнинг кўпчилик (оддий кўпчилик) овози билан қабул қилинади.

2.3 Акциядорларнинг умумий йиғилишида овозга қўйилган, ҳал қилиш чоғида Компаниянинг оддий ва имтиёзли акциялари эгалари бўлган акциядорлар овоз бериш хуқуқига эга бўладиган масала юзасидан овозларни санаб чиқиш овоз берувчи акцияларнинг барчаси бўйича биргаликда амалга оширилади.

3. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИДА ИШТИРОК ЭТИШ ХУҚУҚИ. АКЦИЯДОРЛАР ВА УЛАРНИНГ ВАКОЛАТЛИ ВАКИЛЛАРИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ

3.1 Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш хуқуқига акциядорларнинг умумий йиғилиши үтказиладиган санадан **уч иш қуни** олдин шакллантирилган жамият акциядорларининг реестрида қайд этилган акциядорлар эга бўлади. Компания акциядорлари реестрига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишга йўл қўйилмайди, мазкур реестрга киритилмаган шахсларнинг бузилган хуқуқларини тиклаш ёки уни тузишда йўл қўйилган хатолар қонун хужжатларида белгиланган тартибда тузатиш ҳоллари бундан мустасно.

3.2 Акциядорлар умумий йиғилишида Компания акциядорлари реестрида қайд этилган акциядорлар, уларнинг ваколатли вакиллари, Компания Кузатув кенгashi, ички аудит ва тафтиш комиссияси аъзолари, бош директор ва бош директор ўринбосарлари (Кузатув кенгаш ва назорат органларини сайлаш бўйича овоз бериш учун киритилган номзодлар муҳокама қилинган тақдирда ёки Компания ижроия органи раҳбарини сайлаш (тайинланиш) бўйича ушбу шахслар йиғилишга таклиф этилади) иштирок этиш ҳуқуқига эга.

3.3 Акциядорлар умумий йиғилишда иштирок этиш учун акциядорлар ёки уларнинг ваколатли вакиллари йиғилишни ўтказиш тўғрисидаги хабарномада кўрсатилган жой ва вақт бўйича рўйхатдан ўтишлари керак.

3.4 Умумий йиғилишда иштирок этиш учун келган акциядорлар-жисмоний шахсларни рўйхатга олиш акциядорнинг паспорти ёки шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжат, вакилга нисбатан эса нотариал тасдиқланган ишончнома тақдим этилганда амалга оширилади. Акциядор исталган вақтда ўз вакилини акциядорларнинг умумий йиғилишида алмаштириш ёки унда шахсан иштирок этиш ҳуқуқига эга.

3.5 Компаниянинг юридик шахс – акциядори раҳбари ўз ваколатини умумий йиғилишда лавозимга тайинлаш тўғрисидаги ҳуқуқий ҳужжат ва шахсни тасдиқловчи ҳужжат асосида амалга оширади.

3.6 Акциядор – юридик шахснинг вакили ташкилот раҳбарининг имзоси учун берилган ишончнома ёки ушбу ташкилотнинг муҳри билан тасдиқланган таъсис ҳужжатлари билан унга ваколат берган бошқа шахс бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши мумкин.

3.7 Компания акциядорлари реестрига мувофиқ, рўйхатга олиш варағи тузилади. Рўйхатга олиш варағи рақамланган, тикилган ва муҳрланган бўлиши керак.

3.8 Умумий йиғилишни ўтказишида акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатга олиш варағига имзо қўядилар ва овоз бериш учун овоз бериш тўпламини олишади.

3.9 Агар йиғилиш қатнашчиси бир ёки бир неча акциядорларнинг манфаатларида ишончнома тақдим этса, унга тақдим этилаётган акциядор (акциядорлар)нинг овоз бериш учун бюллетенлари берилади, рўйхатга олиш варағида эса ишончномани тақдим этган акциядорнинг фамилияси олдида: “овоз бериш акцияларига “_” даги _ - сон (овоз бериш акциялари сони) бўйича ишончнома асосида” овоз берилаётганлиги ҳақида алоҳида белги қўйилади ва вакилнинг фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилади.

3.10 Агар Компания акциялари умумий улуш бўйича бир неча шахсларнинг эгалигига бўлса, акциядорлар умумий йиғилишида овоз бериш ҳуқуки уларнинг хошишига кўра умумий улуш мулкининг иштирокчиларидан бири ёки уларнинг умумий вакили томонидан амалга оширилади. Кўрсатилган шахсларнинг ҳар бирининг ваколатлари тегишли тарзда ишончнома билан расмийлаштирилиши керак.

4. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИГИЛИШНИ ҮТКАЗИШГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ

4.1 Акциядорларнинг умумий йигилишини (кейинги ўринларда – Умумий йигилиш деб юритилади) үтказишга тайёргарлик кўрилаётганда Компания Кузатув кенгаши куйидагиларни белгилайди:

- умумий йигилиш үтказиладиган сана, вақт ва жойни;
- умумий йигилишнинг кун тартибини;
- умумий йигилиш үтказиш учун Компания акциядорларининг реестри шакллантириладиган санани;
- умумий йигилиш үтказилиши ҳақида акциядорларга ва давлат вакилига хабар қилиш тартибини;
- умумий йигилишни үтказишга тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларга ва давлат вакилига тақдим этиладиган ахборот (материаллар) рўйхатини;
- овоз бериш бюллетенининг шакли ва матнини.

4.1.1 Умумий йигилиш видеоконференцалоқа тартибида үтказилиши мумкин.

4.2 Умумий йигилишни үтказиш тўғрисидаги хабар йигилиш үтказиладиган санадан камида **йигирма бир кундан** кечиктирмай, лекин узғи билан **ўттиз кун** олдин Корпоратив ахборотнинг ягона порталида, Компаниянинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади. Умумий йигилиш үтказиладиган сана, уни үтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан **ўн кундан кам ва ўттиз кундан кўп** этиб белгиланиши мумкин эмас.

4.3 Компания давлат вакилини акциядорларнинг Умумий йигилиш үтказиладиган санадан камида **етти кун** олдин ёзма шаклда хабардор қилиши шарт. Умумий йигилишда иштирок этишни таъминлаш мақсадида Умумий йигилишни үтказиш тўғрисидаги ахборот ижроия органи, тафтиш комиссияси аъзоларига ва мустақил аудиторга етказилади.

4.4 Акциядорнинг талабига кўра акциядорга у Умумий йигилишни үтказиш учун шакллантирилган Компания акциядорларининг реестрига киритилганлиги тўғрисида ахборот тақдим этиши шарт.

4.5 Умумий йигилишни үтказиш тўғрисидаги хабарда куйидагилар кўрсатилиши керак:

- Компаниянинг номи, жойлашган ери (почта манзили) ва электрон почта манзили;
- умумий йигилиш үтказиладиган сана, вақт ва жой;
- Компания акциядорларининг реестри шакллантириладиган сана;
- умумий йигилиш кун тартибига киритилган масалалар;
- умумий йигилишни үтказишга тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларга ва давлат вакилига тақдим этилиши лозим бўлган ахборот

(материаллар) билан акциядорларни ва давлат вакилини таништириш тартиби.

4.6 Умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларга ва давлат вакилига тақдим этилиши лозим бўлган ахборотга (материалларга) қўйидагилар киради:

- йиллик ҳисобот;
- йиллик молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан Компания тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ва аудиторлик ташкилотининг хulosаси;
- Компания Кузатув кенгашининг бош директор билан тузилган шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш, шартномани қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги тўғрисидаги хulosаси;
- Компания Кузатув кенгashi ҳамда тафтиш комиссияси аъзолигига (тафтишчилигига) номзодлар тўғрисидаги маълумотлар;
- Компания уставига киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар лойиҳаси ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги устави лойиҳаси;
- Умумий йиғилиш кун тартибига киритилган бошқа масалалар бўйича хужжатлар.

4.7 Умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларга ва давлат вакилига тақдим этилиши мажбурий бўлган қўшимча ахборотнинг (материалларнинг) рўйхати қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгиланиши мумкин.

4.8 Овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи Компания акциядорлари (акциядор), Компаниянинг молия или тугаганидан кейин **ўттиз кундан** кечиктирмай, агар Компания Уставида бундан кечроқ муддат белгиланмаган бўлса, йиллик Умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда Компания Кузатув кенгashi ва тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) бу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли.

4.9 Умумий йиғилишнинг кун тартибига масала, уни қўйиш сабаблари, масалани киритаётган акциядорларнинг (акциядорнинг) исми-шарифи (номи), уларга тегишли акцияларнинг сони ва тури кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда киритилади. Компания Кузатув кенгашига ва тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) номзодлар кўрсатиш тўғрисида таклифлар киритилганда, шу жумладан ўзини ўзи номзод қилиб кўрсатилган тақдирда номзоднинг исми-шарифи, унга тегишли акцияларнинг сони ва тури (агар номзод Компания акциядори бўлса), шунингдек номзодни кўрсатаётган акциядорларнинг исми-шарифи (номи), уларга тегишли акцияларнинг сони ва тури кўрсатилади.

4.10 Компания Кузатув кенгashi тушган таклифларни кўриб чиқиши ҳамда ушбу Низомда белгиланган муддат тугаганидан сўнг **ўн кундан** кечиктирмай, уларни Умумий йиғилиш кун тартибига киритиш тўғрисида

ёки мазкур кун тартибига киритиши ради этиш ҳақида қарор қабул қилиши шарт.

4.11 Акциядорлар (акциядор) томонидан киритилган масала, Умумий йиғилишнинг кун тартибига, худди шунингдек кўрсатилган номзодлар Компаниянинг Кузатув кенгашига ва тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) сайлов бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритилиши керак, қўйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- акциядорлар (акциядор) томонидан ушбу Низомда белгиланган муддатга риоя этилмаган бўлса;
- акциядорлар (акциядор) Компаниянинг мазкур Низомда назарда тутилган энг кам миқдордаги овоз берувчи акцияларининг эгаси бўлмаса;
- номзодлар ҳақидаги маълумотлар тўлиқ бўлмаса;
- таклифлар ушбу Низом талабларига мувофиқ бўлмаса.

4.12 Компания Кузатув кенгашининг, масалани Умумий йиғилишнинг кун тартибига ёки номзодни Компания Кузатув кенгашига ва тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) сайлов бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритиши ради этиш тўғрисидаги асослантирилган қарори, масалани киритган ёки таклиф тақдим этган акциядорларга (акциядорга) қарор қабул қилинган кундан эътиборан **уч иш кунидан** кечиктирмай юборилади.

4.13 Компания Кузатув кенгашининг масалани Умумий йиғилишнинг кун тартибига ёки номзодни Кузатув кенгашига ва тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) сайлов бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритиши ради этиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

5. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ ЎТКАЗИШГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ

5.1 Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши (кейинги ўринда – Навбатдан ташқари йиғилиш деб юритилади) Компания Кузатув кенгашининг қарорига кўра:

- унинг ўз ташаббуси асосида;
- тафтиш комиссиясининг (тафтишчининг) ёзма талаби;
- ёзма талаб тақдим этилган санада овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талаби асосида ўтказилади.

5.2 Компания тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ёки овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талабига кўра Навбатдан ташқари йиғилишини қақириш бунда йиғилишини ўтказиш ҳақида ёзма талаб тақдим этилган кундан эътиборан **ўттиз кундан** кечиктирмай Компаниянинг Кузатув кенгаши томонидан амалга оширилади.

5.3 Навбатдан ташқари йиғилишни ўтказиш түғрисидаги талабда йиғилиш кун тартибига киритилиши керак бўлган масалалар уларни киритиши сабаблари кўрсатилган ҳолда таърифланган бўлиши керак.

5.4 Компания Кузатув кенгаши, тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ёки овоз берувчи акцияларининг камидаги **беш фоизига** эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра, чақириладиган Навбатдан ташқари йиғилиш кун тартибидаги масалаларнинг таърифига ўзгартишлар киритишига ҳақли эмас.

5.5 Навбатдан ташқари йиғилишни чақириш түғрисидаги талаб акциядордан (акциядорлардан) чиқкан тақдирда, бу талабда йиғилишни чақириши талаб қилаётган акциядорнинг (акциядорларнинг) исми-шарифи (номи), унга тегишли акцияларнинг сони, тури кўрсатилган бўлиши лозим.

5.6 Навбатдан ташқари йиғилишни чақириш түғрисидаги талаб бундай тартибда йиғилишни чақириши талаб қилган шахс (шахслар) томонидан имзоланади.

5.7 Компания тафтиш комиссияси (тафтишчиси) ёки овоз берувчи акцияларининг камидаги **беш фоизига** эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) Навбатдан ташқари йиғилишини чақириш түғрисида талаб тақдим этган санадан эътиборан **ўн кун** ичидаги Компания Кузатув кенгаши Навбатдан ташқари йиғилишни чақириш түғрисида ёки йиғилишни чақиришини рад этиши ҳақида қарор қабул қилиши керак.

5.8 Компания тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ёки овоз берувчи акцияларининг камидаги **беш фоизига** эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра Навбатдан ташқари йиғилишни чақиришини рад этиши түғрисидаги қарор қўйидаги ҳолларда қабул қилиниши мумкин, агар:

- Навбатдан ташқари йиғилишни чақириши талаб қилаётган акциядор (акциядорлар), бундай талабни тақдим этиши санасида **беш фоизлик** овоз берувчи акцияларининг эгаси бўлмаса;

- кун тартибига киритиши учун таклиф этилган масалалардан бирортаси ҳам акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига кирмаса;

- кун тартибига киритиши учун таклиф этилган масала қонун хужжатлари талабларига мувофиқ бўлмаса.

5.9 Компания Кузатув кенгашининг Навбатдан ташқари йиғилишни чақириш түғрисидаги қарори ёки бундай йиғилишни чақиришини рад этиши ҳақида асослантирилган қарори йиғилиш чақиришини талаб қилган шахсларга қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан **уч иш** кунидан кечиктирмай юборилади.

5.10 Компания Кузатув кенгаши томонидан ушбу Низомнинг 5.7, 5.8-бандларида кўрсатилган тартибда ва муддат ичидаги Навбатдан ташқари йиғилишни чақириш түғрисида қарор қабул қилмаган тақдирда ёки уни чақиришини рад этиши ҳақида қарор қабул қилган тақдирда, Навбатдан ташқари йиғилиш уни чақиришини талаб қилган шахслар томонидан

чақирилиши мумкин. Бундай ҳолларда акциядорларнинг умумий йиғилишига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ харажатларнинг ўрни акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра Компания маблағлари ҳисобидан қопланиши лозим.

5.11 Компания Кузатув кенгашининг Навбатдан ташқари йиғилишни чақиришни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

5.12 Компания Кузатув кенгашининг ваколатларини муддатидан олдин бекор қилиш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқишида Навбатдан ташқари йиғилиш ушбу Низомда белгиланган тартибда чақирилади.

6. УМУМИЙ ЙИҒИЛИШНИНГ КВОРУМИ

6.1 Агар Умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда Компаниянинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами эллик **фоизидан** кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, Умумий йиғилиш ваколатли (кворумга эга) бўлади. Мазкур коида Умумий йиғилишни видеоконференцалока тартибида ўтказилишига ҳам татбик этилади.

6.2 Умумий йиғилишни ўтказиш учун кворум бўлмаса, такорий Умумий йиғилишни ўтказиш санаси эълон қилинади. Бунда, такорий Умумий йиғилишни ўтказишида кун тартибини ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

6.3 Ўтказилмай қолган йиғилиш ўрнига чақирилган такорий Умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда Компаниянинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами **қирқ фоизидан** кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, бундай такорий Умумий йиғилиш ваколатли бўлади.

6.4 Кворум бўлмаганлиги сабабли Умумий йиғилишни ўтказиш санаси **йигирма кундан** кам муддатга кўчирилган тақдирда, Умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар, ўтказилмай қолган Умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг реестрига мувофиқ аниқланади.

7. УМУМИЙ ЙИҒИЛИШНИНГ ИШЧИ ОРГАНЛАРИ

7.1 Умумий йиғилишда раислик қилувчи, котиб ва саноқ комиссияси Умумий йиғилишнинг ишчи органлари ҳисобланади.

7.2 Умумий йиғилишни Компания Кузатув кенгашининг раиси, у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, Кузатув кенгашининг аъзоларидан бири олиб боради. Умумий йиғилишга раислик қилувчи, Умумий йиғилишда сайланади.

7.3 Умумий йиғилиш раиси:

- йиғилиш жараёнини бошқаради;
- йиғилиш ишчи органларининг фаолиятини мувофиқлаштиради;
- йиғилиш кун тартибига киритилган масалаларни муҳокама қилиш тартибини белгилайди;
 - йиғилишдаги маъruzачининг нутқ вақтини чеклайди;
 - йиғилиш ва овоз бериш жараёни ҳақида тушунтиришлар беради;
 - йиғилиш ўтказилаётган жойда тартибга риоя этилишини назорат қиласиди;
 - йиғилиш баённомасини имзолайди.

7.4 Овозларни санаб чиқиши, Умумий йиғилишда иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун Компания Кузатув кенгаши томонидан саноқ комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва таркиби Умумий йиғилиш томонидан тасдиқланади. Саноқ комиссиясининг таркиби камида **уч кишидан** иборат бўлиши керак. Бунда саноқ комиссияси тартибига Компания Кузатув кенгашининг аъзолари, тафтиш комиссиясининг аъзолари (тафтишчиси), бош директор ва унинг ўринbosарлари, ишончли бошқарувчи, шунингдек, айнан шу лавозимларга номзоди кўрсатилган шахслар кириши мумкин эмас.

7.5 Саноқ комиссиясининг ваколат муддати Умумий йиғилиш томонидан саноқ комиссиясининг янги таркибини тегишли Умумий йиғилиши (йиллик ёки навбатдан ташқари) сайлаш (ёки қайта сайланиш) пайтигача, сайланганидан бошлаб ҳисобланади.

7.6 Саноқ комиссияси:

- Умумий йиғилишда кворум бор ёки йўқлигини аниқлайди;
- Умумий йиғилишда овоз бериш хукуқларининг акциядорлар (уларнинг вакиллари) томонидан амалга оширилиши муносабати билан юзага келадиган масалаларни тушунтиради;
 - овозга қўйиладиган масалалар бўйича овоз бериш тартибини тушунтиради;
 - овоз беришнинг белгиланган тартиби ва акциядорларнинг овоз беришда иштирок этиш ҳукуқларини таъминлайди;
 - овозларни санаб чиқади ва овоз бериш якунларини чиқаради;
 - овоз бериш якунлари тўғрисида баённома тузади;
 - овоз бериш бюллетенларини Компания архивига топширади.

7.7 Умумий йиғилиш котибияти (котиби) Компания Кузатув кенгаши томонидан тузилиб, унинг аъзолари сони ва таркиби ҳар бир Умумий йиғилишда акциядорлар томонидан тасдиқланади. Котибият таркиби қўпи билан **уч кишидан** иборат бўлиши керак. Котибият тартибига Компания Кузатув кенгашининг аъзолари, тафтиш комиссиясининг аъзолари (тафтишчиси), бош директор ва унинг ўринbosарлари, ишончли бошқарувчи, шунингдек, айнан шу лавозимларга номзоди кўрсатилган шахслар кириши мумкин эмас.

7.8 Умумий йиғилиш котибияти (котиби) Умумий йиғилиш баённомасини юритади. Умумий йиғилишининг баённомасини Умумий йиғилиш ёпилганидан кейин **ўн қундан** кечиктирмай икки нусхада тузади.

8. УМУМИЙ ЙИҒИЛИШ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

8.1 Умумий йиғилишни ўтказиш тартиби ушбу Низомга мувофиқ, ҳар бир умумий йиғилишда акциядорлар томонидан тасдиқланади.

8.2 Умумий йиғилишни ўтказиш тартиби йиғилишнинг бошланиши ва кутилаётган якуни, нутқ ва танаффусларнинг давомийлиги, кун тартиби масалалари, кун тартиби масалалари бўйича маъruzачиларнинг фамилияси ва лавозими, овоз бериш ва унинг натижаларини эълон қилиш тартибини назарда тутади.

8.3 Компания Кузатув кенгаши раиси Умумий йиғилишнинг саноқ комиссиясини, котибиятини (котибни) сайлаш масаласида таклиф киритади.

8.4 Йиғилиш давомида ҳар бир иштирокчи, Умумий йиғилишда раислик қилувчи томонидан белгиланган вақт доирасида, муҳокама қилинаётган кун тартибидаги тегишли масала бўйича маъруза қилиш ёки ахборот бериш хуқуқидан фойдаланиши мумкин.

8.5 Кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилишда иштирок этиш учун ҳар бир иштирокчи Умумий йиғилиш котибиятига (котибига) муҳокама учун тегишли саволни аниқ кўрсатган ҳолда ёзма ариза топшириши лозим.

8.6 Умумий йиғилишда, кун тартиби масалалари бўйича овоз бериш, овоз бериш бюллетенлари орқали амалга оширилади. Овоз бериш бюллетенларининг шакли ва матни Компания Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади, Навбатдан ташқари йиғилиш Компания Кузатув кенгаши томонидан чақирилмаган ҳоллар бундан мустасно. Овоз бериш бюллетени умумий йиғилишда иштирок этиш учун рўйхатдан ўтган акциядорга (унинг вакилига) берилади.

8.7 Овоз бериш бюллетенида:

- Компаниянинг тўлиқ номи;
- Умумий йиғилишни ўтказиш санаси, вақти ва жойи;
- овоз беришга қўйилган ҳар бир масаланинг таърифи ва уни кўриб чиқиши навбати;

- овоз беришга қўйилган ҳар бир масала бўйича «ёқлайман», «қаршиман» ёки «бетарафман» деган мазмундаги сўзлар билан ифодаланган овоз бериш вариантлари кўрсатилган бўлиши (бундан овоз беришга қўйилган масалага «ёқлайман» деган мазмундаги сўз билан ифодаланадиган кумулятив овоз бериш мустасно);

- овоз бериш бюллетени акциядор (унинг вакили) томонидан имзоланиши лозимлиги тўғрисидаги кўрсатма бўлиши керак.

8.7.1 Компания Кузатув кенгаши ёки тафтиш комиссияси аъзосини (тафтишчисини) сайлаш тўғрисидаги масала юзасидан овоз бериш

ўтказилган тақдирда, овоз бериш бюллетенида номзод тўғрисидаги маълумотлар, унинг фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилиши лозим.

8.8 Умумий йиғилишда овоз бериш “Компаниянинг овоз берувчи битта акцияси — битта овоз” принципи бўйича амалга оширилади, Кузатув кенгаш аъзоларини сайлаш бўйича кумулятив овоз беришни ўтказиш ҳоллари бундан мустасно.

8.9 Овоз берилганида овоз берувчи қайси масала бўйича эҳтимол тутилган овоз бериш варианларидан фақат биттасини қолдирган бўлса, ўша масала бўйича берилган овозлар ҳисобга олинади. Ушбу тартибни бузган ҳолда тўлдирилган овоз бериш бюллетенлари ҳақиқий эмас деб топилади ва улардаги масалалар бўйича берилган овозлар ҳисобга олинмайди.

8.9.1 Агар овоз бериш бюллетенида овозга қўйилган бир нечта масала кўрсатилган бўлса, бир ёки бир нечта масалага нисбатан мазкур бандда кўрсатилган тартибга риоя этилмаганлиги, бюллетеннинг умуман ҳақиқий эмас деб топилишига сабаб бўлмайди.

8.10 Овоз бериш якунлари бўйича саноқ комиссияси овоз бериш якунлари тўғрисида баённома тузади, баённома жумладан, Умумий йиғилишнинг кворуми мавжудлиги тўғрисидаги маълумотларни ҳам ўз ичига олади ва саноқ комиссиясининг аъзолари томонидан имзоланади. Баённома имзоланганидан кейин овоз бериш бюллетенлари саноқ комиссияси томонидан муҳрланади ҳамда сақлаб қўйиш учун Компания архивига топширилади. Мазкур баённома Умумий йиғилишнинг баённомасига қўшиб қўйилиши лозим.

8.11 Кун тартибидаги барча масалаларни муҳокама қилиб, улар бўйича тегишли қарор қабул қилинганидан сўнг, йиғилишда раислик қилувчи Умумий йиғилишини ёпиқ деб эълон қиласди.

9. УМУМИЙ ЙИҒИЛИШ БАЁННОМАСИ

9.1 Умумий йиғилишнинг баённомаси, Умумий йиғилиш ёпилганидан кейин ўн кундан кечиктирмай икки нусхада тузилади. Ҳар иккала нусха ҳам Умумий йиғилишда раислик қилувчи ва умумий йиғилиш котиби томонидан имзоланади.

9.2 Умумий йиғилиш баённомасида:

- Умумий йиғилиш ўтказилган сана, вақт ва жой;
- Компаниянинг овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони;
- Умумий йиғилишда иштирок этган акциядорлар эга бўлган овозларнинг сони;
- Умумий йиғилишда раислик қилувчи ва котиби, йиғилиш кун тартиби кўрсатилади.

9.3 Умумий йиғилишининг баённомасида маърузаларнинг асосий қоидалари, овозга қўйилган масалалар ҳамда улар юзасидан ўтказилган овоз

бериш якунлари, йиғилиш томонидан қабул қилинган аниқ хуқуқий маънони (оқибатни) англатувчи якуний қарорлар кўрсатилиши лозим.

9.3.1 Саноқ комиссиясининг баённомалари йиғилишнинг махсус қарори билан тасдиқланманган ҳолда эътиборга олинади ва Умумий йиғилиш баённомасига киритилади.

9.4 Умумий йиғилиш баённомаси имзолангандан сўнг саноқ комиссияси йиғилиш хужжатларини ва Умумий йиғилишининг баённомасини Компания архивига ўтказади.

10. УМУМИЙ ЙИҒИЛИШ ҚАРОРИНИ БАЖАРИШ

10.1 Умумий йиғилиш қарорларининг бажарилишини назорат қилиш, агар қарорда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса ва йиғилиш баённомасида кўрсатилмаган бўлса, Компания Кузатув кенгаши томонидан амалга оширилади.

10.2 Умумий йиғилишнинг қарорлари барча акциядорлар томонидан улар билан боғлиқ бўлган қисмида бажарилиши шарт.

11. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

11.1 Мазкур Низом Компания Акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган санадан бошлаб кучга киради.

11.2 Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига ўзгартишлар киритилган тақдирда, қонун хужжатларига зид бўлган ушбу Низом қоидалари ўз кучини йўқотади ва белгиланган тартибда Низом қоидалари қонун хужжатларига мувофиқлаштирилгунга қадар, тўғридан-тўғри қонун хужжатлари қоидаларига амал қилинади.